

34
X-45

ҲУДОЙҚУЛОВ Х.Ж.,
ЖУМАНОВА Ф.У.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА



34
X-45

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

лари

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

лари

лари

нла-

Худойкулов Х.Ж. Жуманова Ф.У.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

-8548-



0-3

.У.

21.

ТОШКЕНТ – 2021

УУК 37:331.363(075.8)
КБК 74.6

Тузувчилар: Худойкулов Х.Ж., Жуманова Ф.У.
“Касбий педагогика” ўқув қўлланма. Т.: “Ishonchli hamkor”, 2021. 300 б.

Аннотация

Бугунги кунда Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг давлат миқёсидаги асосий вазифаларидан бири замонавий таълим-тарбияни йўлга қўйишда ёшларни касб-хунарга ўргатиш, ўз истаги ва хоҳишига қараб касб танлаш, бутун ҳаёти давомида ўз касбига садоқатли бўлиш ҳисларини шакллантиришдан иборатдир. Шунга кўра “Касбий педагогика” фани дастури асосида юксак ва самарали таълим жараёнини ташкил этиб, бозор иқтисодиёти асосида малакали рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш давлат олдидagi асосий масала ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланмада касбий таълим йўналишидаги талабалар учун “Касбий педагогика” курсининг фанлар тизимида тутган ўрни, мазмуни, мақсад ва вазифалари, қонуниятлари, тамойиллари, давлат таълим стандарти, ўқув жараёнида ўқитиш воситалари, замонавий педагогик ва инновацион технологиялар, талаба ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, кадрлар сифатини яхшилаш ва уларни қайта тайёрлаш, ҳамда малака ошириш вазифалари ва унинг имкониятлари батафсил кўрсатиб ўтилган.

Ўқув қўлланмада бозор муносабатлари асосида зарурий эҳтиёжга қараб касбга нисбатан қўйиладиган талабларга алоҳида тўхталган. Ўқув қўлланма барча касбий таълим соҳасида педагогик фаолият кўрсатадиган мутахассислар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: Абдуллаева Ш.А. педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар: Исмаилова З.К. педагогика фанлари доктори, профессор
Мардонов Ш.Қ. педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳимматалиев Д.О. педагогика фанлари доктори, профессор

ISBN- 978-9943-6932-0-3

© Худойкулов Х.Ж., Жуманова Ф.У.

© «Ishonchli hamkor» nashriyoti, 2021.

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сингари “Касбий педагогика” фанини ривожлантириш борасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил 23 сентябрдаги ислоҳ қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизимида касб таълимига алоҳида эътибор берилиши натижасида ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг тизими шаклланди.

Узлуксиз таълим тизимида юксак билимга, касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиikka, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, ҳаётга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган, ўз касбини севадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояларни илгари суради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ ва оила манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ўқитувчиларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш асосий мақсад ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда қизлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги

ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз”¹-дейилган эди.

“2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” деб номланар экан, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида, ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, касб танлаш, билим олишга, иқтисодиёт сирасорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, касбий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослай оладиган, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган, муҳандис-педагоглар тайёрлашнинггина эмас, балки уларга таълим-тарбия берадиган, касб-ҳунар сирларини яхши биладиган муҳандис-педагоглар ва ўткир устолар тайёрлашни ҳам тақозо қилади.

Бугун Ўрта Махсус таълимда бўлаётган ўзгариш ва ислохотлар касбий таълимдан воз кечдик, деган маъно бермайди, ҳатто умумий ўрта таълим соҳасида ҳам касб-ҳунарга ўргатиш, келажакда яхши ҳунар эгаси бўлиш учун имконият яратиш давом эттирилади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг касб-ҳунарларни янада ривожлантириш, коллежлар ўрнида техникумларни шакллантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шундай экан халқимиз томонидан яратилган касбларга бўлган эҳтиёжларга қараб, исталган жойда техникумлар орқали касб-

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари “Ҳаракатлар стратегияси” –Т.: Ўзбекистон. 2017 й.

хунар ўргатиш йўлга қўйилади. Агар талаба ўз қобилияти ва истёждодини намоён этиб, аъло даражада фаолият кўрсата олса, у тўғридан-тўғри ўзи ўқиётган техникумдан ўз мутахассислиги бўйича олийгоҳнинг иккинчи курсга имтиҳонсиз ўқишини давом эттириши мумкин. Бундай имконият ёшларнинг касб-хунар эгаллаши учун катта аҳамиятга эгадир. Айниқса илм-фан ва маърифатга бўлган эътибор, ўқувчи-ёшларнинг касб-хунар эгаллаши ва уларда касбий одоб кўникмаларини тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, ҳамда бу мавзу давлат миқёсидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, жамият ривожига муҳимдир.

Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган таълимни ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган Концепцияси, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш учун йўлга қўйилган беш ташаббус, олий таълимдаги 2030 йилгача бўладиган ислохотлар стратегияси, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишимизнинг асосий мақсадини белгилайди. Биз қураётган мустақил Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий жамиятнинг уч муҳим томони бор: иқтисодий, сиёсий ва маънавий. Бу томонлар қанча мустаҳкам ва бақувват бўлса, келажагимиз равнақи шунча бақувват бўлиб, жамият тез ривожланади.

Мутахассислар тайёрлашдаги асосий мақсад зарур билимларни ўзлаштириш билан бирга, ўз касбини севадиган шогирдларни мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишга ўргатиш лозим. “Касбий педагогика” фани ёш ва кўп соҳаларда ривожланиб бораётган фан бўлиб, умумий педагогиканинг бир бўғини сифатида касбий-техник таълимнинг ривожланиши билан ўзаро уйғунликда амалга оширишни, тараққий этилишини талаб этмоқда.

Ушбу ўқув қўлланма таълим олувчиларнинг миллий мафкура тарбияси, талабанинг касбий ривожлантириш асослари, ўқитувчи ва талаба шахсига қўйиладиган талаблар, касбий таълимнинг назарий ва амалий асослари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш вазифасини бажаради.

Ватанимиздаги мустақил ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида ёш авлодларимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Бу ўз навбатида ёшларимизнинг халқимиз ва бутун инсоният яратган фан, техника ва маданият бойликларини ўзлаштиришига, билим ортиришига ва ўз касбини чуқур ўрганишига чанқоқлигини юзага келтиради. Ушбу тақдим этилаётган “Касбий педагогика” номли ўқув-услубий қўлланма олдида келажагимиз бўлган мутахассис-педагогни миллий қадриятимиз асосида хунар ўргатиш, ҳар бир хунарни ёшларни жаҳон миқёсида дунёга танитиш, мафкурамиз бўйича янгича фикрлаши, янгича тафаккури, ҳақиқий ўзбек педагогининг кенг қамровли сифатларини (одоб-ахлоқ ва виждонийлиги, инсонпарвар ва ватанпарварлиги, ташқи кўриниши ва ички дунёси билан намуна бўлиши) шакллантириш вазифалари қўйилади.

Касбий педагогика ҳақли равишда мутахассислик асосларини ўргатувчи устувор фанлардан бирига айланиши керак. Бу учун таълимнинг ташкилий шаклларида катта ўзгаришлар бўлиши лозим. Ўзгаришлар янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратда ўз асосини топиши лозим. Бу борада касбий педагогика икки маънода тушунилади: ўз касби бўйича барча ўқув юртларнинг ўқувчи-талабаларга таълим-тарбия беришни йўлга қўя олиш, ҳамда ўз касби бўйича ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртларнинг ўқувчиларни аниқ мутахассисликка ўргатиш назарда тутилади.

Давлатимиз сиёсатида ёшлар тарбияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди ва бирламчи вазифаларни белгилаб берилди. Уларга асосан ҳар бир йўналиш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.